

# ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ ЎКИТИШ УСУЛЛАРИ

## **МАНСУРОВА ТАХМИНА ТОХИРОВНА**

## Чирчик давлат педагогика университети

## **Факультетларо рус тили кафедраси катта учитувчиси**

**Аннотация:** Матнда мазмуннинг тўлиқ очилиши ва унда кўлланган лексик-семантик бирликлар маъносини англашнинг асоси - грамматик ўқиш жараёнида амалга ошириладиган матннинг лексик - грамматик таҳлилдир. Матннинг лексик-семантик ва грамматик таҳлили уни алоҳида маъноли бўлакларга бўлиниши орқали юзага чиқади.

**Калит сүзлар:** Ёрдамчи сўзлар маъноли бўлаклар ёки сўз биримларига нисбатан сўз-нинг муносабатини рўёбга чиқариши ва у билан бирга кўриб чиқилаётган гапдаги берилган сўзларнинг бошқа гурух билан алоқасини кўрсатади.

**Abstract:** Full disclosure of the content in the text and the understanding of the meaning of lexico-semantic units used in it - lexico-grammatical analysis of the text carried out during grammatical reading. Lexical-semantic and grammatical analysis of a text arises by dividing it into parts of a special meaning.

**Key words:** indicate that auxiliary words implement the relation of a word to semantic sources or phrases and are associated with another group of words considered with it.

Матннинг лингвопоэтик ва грамматик таҳлили – бадиий ёки илмий матнни тӯғри тушуниш ва таржима қилиш омили сифатида нафақат хорижий тилдаги мураккаб лексик-грамматик илмий–бадиий усулларни эгаллашни, балки хорижий тилда ифодаланган концепт, фикрни тушуниш қобилиятини шакллантиришни ҳам талаб этади. Инглиз тилидаги бадиий, илмий матнлар таҳлили бундай матнлар учун мураккаб лексик-грамматик хусусиятлар характерли эканлигини кўрсатади, шунинг учун бадиий ва илмий матнлар грамматикаси билан ишлашда боғловчиларнинг терминологик муаммоларни ечишга қаратилган мураккаб гапларни грамматик таҳлил қила олиш маҳорати ҳам лозим.

Матнда мазмуннинг тўлиқ очилиши ва унда қўлланган лексик-семантик бирликлар маъносини англашнинг асоси - грамматик ўқиш жараёнида амалга ошириладиган матннинг лексик - грамматик тахлилдир. Матннинг лексик-семантик ва грамматик тахлили уни алоҳида маъноли

бўлакларга бўлиниши (маъноли гурӯҳ - бу бутун гапнинг қисмларидан гапни ташкил қилувчи бир синтактик гурӯҳга кирувчи сўзлар гурӯҳидир) орқали юзага чиқади.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Бунда ҳар бир маъноли гурух ўртасидаги ва ҳамда ҳар бир сўзларнинг ўртасидаги алоқани аниқлаш жуда муҳим. Матн таҳлили жараёнида унинг барча грамматик ва лексик-семантик компонентларини ҳисобга олиш матн ва унинг концептуал имкониятларини тўғри белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Гапни грамматик ўрганиш жараёнидаги биринчи қадам гапни маъноли гурхуларга ажратиш ҳисобланади. Ёрдамчи сўзлар маъноли бўлаклар ёки сўз бирикмаларига нисбатан сўзнинг муносабатини рўёбга чиқариши ва у билан бирга кўриб чиқилаётган гапдаги берилган сўзларнинг бошқа гуруҳ билан алоқасини кўрсатади. Масалан: In the early days of the telephone operators working in the exchanges made connections between callers / by hand.

Гапни маъноли бўлакларга бўламиз.

[1, 78 б.]

In the early days of the telephone ...-хол гурухи in предлоги билан бошланган. operators working in the exchanges ...-эга гурухи -s билан тугаган кўпликтаги сифатдош оборотли -аниқловчи билан ифодаланган:

made all the connections between callers...-воситали ва воситасиз тўлдирувчи билан келган кесим эгалик шаклидаги феъл билан бошланган; ...by hand-by предлог билан бошланган хол гурухи. Мисолдан кўриниб турибдики, ҳар бир маъноли бўлак ўзининг характерли белгиларига эга.[2, 29 б.].

### ТАДҚИҚИОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Грамматик таҳлилда биринчи навбатда гапни эга ва кесим маъноли

бўлакларга ажратиш лозим, чунки бу гапнинг бош бўлаклари асосий маъно бирлигини олади ва гапнинг таркибини аниклайди. Масалан:

The first pure diskrete systems available were ree-to-ree tapes.

The first pure diskrete systems available; were ree-to-ree tapes -кесим гурухи.

Нутқда кўмакчи ва модал феъллар ҳар доим бошқа феъллар билан биргаликда келади ва феъл шаклларидан бошқа ҳар қайси гап бўлаги қўшиш мумкин бўлган асосий кесим гурухини ясайди. Баъзан кесим мазмуни етарлича тўлиқ ифодаланмайдиган бошқа гап бўлаклари кесимга бўлади ҳамда бундай ҳолларда кесим ва унга боғлик бўлган гап бўлаклари бир маъноли бўлакни ташкил этади.

Гапнинг лексик - грамматик таҳлил услубини мисолда кўриб чиқамиз.

The school the closed TV- system enable lecturer to address simultaneously many .. dices in different rooms and building. Бу ерда the closed TV system-эга (э) enables lectured to address simultaneously many different

rooms and building ҳол (ҳ)

Агар гап ҳол билан бошланса, ҳол бўлаги ва эга ўргасидаги ажратиш белгиси бўлиб а ёки the артикли хизмат қиласди. Илмий адабиётларда циклсиз эга бўлаги учраб туради, шунда ҳол ва эга бўлаги орасидаги чегарани топиш қийин бўлади. Ушбу чегарани топиш учун асос эса эганинг кесим олдидаги ўрни, демак аввал кесимни топиш лозим. Мисол: For improved channel separation matrix systems use complicated electronic logic circuitry.

Кесим бўлаги...use complicated electronic logic circuitry; унинг кўрсатувчиши - кўплик З-шахсадаги феъл. Кесимдан чапда...matrix system , кўпликтаги от билан ифодаланган. For improved channel separation-ҳол.

Содда гапнинг грамматик техникаларини ўргангандан сўнг мураккаб гаплар таҳлилига киришса бўлади.[3, 96 б.]

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мураккаб қўшма гап таҳлили хеч кандай қийинчиликлари билан фарқ қилмайди, бир ёки ундан ортиқ содда гаплардан ясалади. Эргашган қўшма таҳлилида асосий эътибор бош ва эргаш гапни топиш ҳамда уни алоҳида гапларга ажратишга қаратилади. Эргаш гап бош гапга эргаш гапнинг боғланишининг формал белгиси бўлган эргаштирувчи боғловчи ва боғловчи сўзлар ёрдамида бирикади. Уларнинг ичидаги энг кўп тарқалганлари қуйидагилар: which, who, when, after, before, since, until, unless, if ва х.к.

Бу ўринда таъкидлаш зарурки, эргашган қўшма гап структураси содда гап қоидаларига бўйсунади.

Аникловчи эргаш гап гапда ҳар қайси бўлакнинг ўз ўрни бор, лекин аникланётган сўз эргаш гапдан кейинги жойни эгаллаши ҳам мумкин. Эргашган қўшма гапнинг грамматик таҳлилида уларни алоҳида содда гапларга бўлиш муҳим хи-

собланади. Гап қанча содда гапдан ташкил топғанлигини ва қайси бири бош гап эканлигини аниклаш лозим бўлади. [4, 144 б.]

Эргашган қўшма гапнинг таҳлил усубини мисолда кўриб чиқамиз.

us although the human voice does contain nigher frequencies, very satisfactory communication can be achieved over a telephone channel that handles frequencues fly up to, say, four thousand herts.

Эргашган қўшма гап таҳлилида асосан боғловчисиз эргаш гаплар (аникловчи, тўлдирувчи ва шарт) қийинчилик туғдирали. Аникловчисиз эргаш гапнинг бошлинишини топиш анча мураккаб жараён хисобланади. Аникловчи эргаш гапнинг чегараларини аниклашга интилишда шу ҳол муҳимки, уларнинг биринчисининг маркази икки отнинг артикллар билан (ёки олмош) туташган жойи бўлади, бунда бири (чапдагиси) аникловчи сўз, бошкаси (ўнгдагиси). Аникловчи эргаш гапнинг эгаси бўлади. Бундай типдаги гапларни таҳлил қилганда, олдин кесимни ва сўнг унга қарашли эгани топиш кейин эса иккинчи кесимни топиш ва гап охиригача шу тарзда олиб бориш лозим.[5, 123 б.] Бундай таҳлил маъноли бўлак аниқ фойдаланмаган қўшма гапларда ўтказиш мумкин. Масалан:

Then electron nears the cathode the net energy it has recevied from the four rating or retarding fields though which it has passed approaches zero.

Эргашгани қўшма гап таркибида турли позициядаги тўртта гап мавжуд: Then electron nears the cathode..; the net energy approaches zero... it has recevied from the four accelerating or retarding fields... which it has passed

Биринчи ва тўртинчи гап - ас боғловчиси ва which боғловчиси сўзи

кейин келган эргаш гап. Учинчи гап эргаш гап, лекин боғловчисиз. Биз net

energy ва it олмоши билан туташган жойи орқали аниклаймиз.

Бош гап, иккинчиси; Э2 (бош гапнинг эгаси) К2 (бош гап кесими) дан аникловчи эргаш гап билан ажратилган ва бу ходиса қоидага мувофиқ Гапнинг лексик-грамматик таҳлилида агар гапда шахссиз феъл кўрсатилганидек, шахссиз феълнинг

A carrier system must be applied instead of stringing new wires to increase the number of telephone circuits on open wire lines.

Гапни ажратганда икки шахссиз оборотли содда гапни кўрамиз: instead of stringing new wires ...-хол вазифасини бажаётган, кесимдан сўнг шундай турибди.

to increase the number of telephone circuits on open - wire lines ...- инфинитив иккинчи ўринни эгаллб, гапда ҳол вазифасини бажарган. d<sup>^^^</sup>BThe installation of transatlantic coaxial cable carrying a large number of telephone circuits has been an outstanding success, wide band coaxial cables being use as alternatives to radio links for converying television signals over shorter

Гапни бўламиз ва Э1 ва К1 ни топамиз. Э1 таркибига .. carrying a large number of telephone circuits обороти киради; бу аникловчи вазифасидаги сифатдошли оборот.

Вергулдан сўнг Э2 турибди. Гапни ўқиб бўлгач, иккинчи гапда шахсли !<sup>^^^</sup>H йўқ эканлигини, унинг ўрнига эса шахссиз феъл шахсли ... being in use as alternatives to radio links ...келганлигини кўрамиз; бу ҳам сифатдошли оборот.... converying television signals over shorter distances обороти - бу ҳол , вазифасидаги герундий. Мураккаб гапларни лексик - грамматик таҳлил усулини ўзлаштириш илмий матнларни ўқишида коммуникация самарадорлигини оширишда чет тилидаги матн билан ишлашда ўз она тилида интерференцияни енгиш таркибий хусусиятларини тезда ажрата

олишда, нотаниш сўзларнинг маънолари-ни тўғри излаб топиш, муаллиф фикрини тушунишда кенг самара беради. [6, 83 б]

ХУЛОСА

Боғловчи ва боғловчи феълларнинг қисқа назарий грамматикаси таҳлили жа-раёни мисолларда кўрсатилган ва амалга оширилган матнлардаги таҳлилларнинг семантик-стилистик парадигмалари, қўшма гап конструкцияларда ғоя ва мазмуннинг мукаммал эгалланишига хизмат қи-

лиши мумкинлигини исботлайди.[7, 56 б.]  
Боғловчиларнинг семантик имкониятлари тўлиқ акс этган эргаш гапли бирликлар таҳлилида таклиф қилинган парадигматик конструкциялар инглиз тили грамматикасининг мунозарали масалаларини ҳал қилишда, энг муҳими инглиз тилидаги бадиий ва илмий адабиётда қўлланилган ёрдамчи сўзлар таржимасида қўлланиши мумкин.

#### Foydalaniłgan adabiyotlar:

- 1.Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком.-Т,1934, 450 б.
  - 2 Quirk.R. Greenbaum. S.A. Univercity.Grammar of the English language.Lnd. Longmam 1975. 25 б.
  - 3 Кубрякова Е,С,Семантика в когнитивной лингвистике,( о концепте контейнера и формах его объективации в языке)// Известия РАН,Серия литературы и языка 1999 N5-6, 144 б.
  - 4 Абрамов Б.А. Научно-техническая литература как одно из сфер функционирования языковой системы, М ,1973,183стр.
  - 5.Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Тошкент, 2004. 220 б.
  - 6.Ҳамидов З Сўз санъати ва санъаткор маҳорати. – Тошкент, 1991. 175 б.
  - 7.Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. –Тошкент, 1994. 250 б.